




**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MONOPOLIYAGA QARSHI KURASHISH QO'MITASI
ANTIMONOPOLY COMMITTEE
OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

100128, Toshkent sh., Labzak ko'chasi, 3-uy, Tel.: (998 71) 207-47-00, Tel.: (998 71) 241-92-04
e-mail: info@antimon.gov.uz, e-xat: antimon@exat.uz, www.antimon.gov.uz



**Ўзбекистон Республикаси
Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси**

Монополияга қарши курашиб қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан тайёрланган ва Кўмитага (project.gov.uz орқали) юборилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини янада ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида“ги ID-22662(V-1) Фармони лойиҳасини Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида кўриб чиқиб, мазкур хужжат лойиҳасининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича хулосани иловага мувофиқ юбормоқда.

Председатель

Шарипов Н. Ш.



Ўзбекистон Республикаси
Монополияга қарши қурашиш
қўмитасининг хатига илова

Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича

ХУЛОСА

I. Умумий маълумотлар

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси.

2. Лойиҳанинг номи ва тури:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони лойиҳаси.

3. Лойиҳани ишлаб чиқиш учун асос:

Ташаббускорлик асосида.

4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:

Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини янада ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида.

II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гурухлари бошқа масъул шахслар ҳамда тақлиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартиби солинадиган маълумотлар

5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гурух иштирокчиларининг таснифи:

тадбиркорлик субъектлари гурухлари – чорвачилик соҳасида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектлар, фермер хўжаликлари;

давлат органлари гурухи – Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекчорванасл” агентлиги, Молия вазирлиги;

бошқа иштирокчилар гурухи муносабатлари –

6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек,

киритилилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:

6.1. Фармон лойиҳасининг 9-бандида **2021 йил 1 январдан бошлаб, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларидан йиллик умумий даромадининг 0,5 фоизи микдорида йигим ундирилиши**, чорвачилик йўналишидаги фермер хўжаликларидан ундириладиган йигимлардан тўлиқ ҳажмдаги тушумлар, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги **Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши кўрсатилган**;

6.2. Фармон лойиҳасига илова қилинаётган Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган **Стратегиясининг 4-бўлими** ҳамда “**Йўл ҳаритаси**”нинг 129-бандида Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида “**Ўзчорвасуғурт**” сугурта фондини ташкил этиш кўрсатилган;

6.3. Фармон **лоиҳасининг 4-иловасида** (Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармони ва қарорларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 июндаги “Алоҳида солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш тўғрисида”ги ПФ-6011-сон Фармонига 1-илованинг 11-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисобланиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2460-сон қарорининг 9-бандида:

“2025 йилнинг 1 январигача бўлган даврда:

наслчилик субъектлари асосий фаолият тури бўйича фойда солиғи (тижорат банкларида жойлаштирилган маблағлардан олинган фоизлардан ташқари), мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан;

“Ўззооветтаъминотхизмат” давлат унитар корхонаси, наслчилик субъектлари, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликлари, омухта ем, озуқа қўшимчалари, ветеринария вакциналари ва препаратлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича наслчилик материаллари, технологик ва ёрдамчи ускуналар, омухта ем ва озуқа қўшимчаларини ишлаб чиқариш учун компонентлар, шунингдек, фермер хўжаликлари ва бошқа ташкилотлар пайвандтаг, кўчкат ва томчилатиб суғориш ускуналарини олиб киришда божхона тўловларини (божхона расмийлаштируви йигимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.” деб кўрсатилган.

III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили

7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози

7.1. Ўзбекистон Республикасининг “**Фермер хўжаликлари тўғрисида**”ги Қонуни 20-моддасига асосан фермер хўжалиги пул муомаласини юритиш ҳамда пул маблағларини сақлаб туриш учун банк муассасасида ҳисобвараклар очиш ва бу **маблағларни эркин**

тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Фермер хўжалигининг ҳисоб-китоб варағидан маблағларни фақат фермер хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ёки суднинг қарорига биноан ҳисобдан чиқариш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**”ги Қонуни 34-моддасига асосан давлат органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошираётган **фаолиятига аралashiшга ҳақли эмаслиги**, 21-моддасида тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этиши белгиланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “**Рақобат тўғрисида**”ги Қонуни 12-моддасига асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши**, айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши **тақиқланади**.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **Фармон лойиҳасининг 9-бандини чиқариб ташлаш лозим.**

7.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ти **ПФ-6019-сонли Фармонининг 2-банди “б” кичик бандига** асосан 2020 йил 1 октябрдан бошлаб давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг, шунингдек уларнинг аффилланган шахсларининг ва хўжалик фаолиятини амалга ошириш ваколатлари берилган давлат муассасаларининг (мудофаа қобилияти ва миллий хавфсизлик мақсадларида бундан мустасно) таъсис этилишига (ташкил этишга ташаббус кўрсатишга) куйидаги ҳолатларда **йўл қўйилмайди**:

битта товар бозорида бешта ва ундан ортиқ хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритиб келаётган соҳаларда;

давлат органлари томонидан ўзларига лицензиялаш, рўйхатга олиш, аккредитациядан ўтказиш ва руҳсат бериш ваколати берилган соҳаларда.

Ушбулардан келиб чиқиб, Фармон лойиҳасига илова қилинаётган Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган **Стратегиясининг 4-бўлимидан ҳамда “Йўл ҳаритаси”нинг 129-бандидан** “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузурида **“Ўзчорвасуғурта” сугурта фондини ташкил этиш” масаласини чиқариб ташлаш лозим.**

7.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги “Имтиёzlар ва преференциялар бериш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти ПК-3756-сонли қарорига асосан **солиқ ва божхона имтиёzlари ҳамда**

преференциялар қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан умуман тармоқлар, фаолият соҳалари, ҳудудлар учун берилиши, вактинчалик имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан З йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилиши, индивидуал имтиёзлар, алоҳида ҳолларда, хусусий сектор инвестиция киритишдан манфаатдор бўлмаган тармоқларда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш учун, аниқ ижтимоий ёки иқтисодий асослар мавжуд бўлганда ёхуд Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномаларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳужжатлари билан берилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси”да **хусусий сектор самарали фаолият кўрсатаётган соҳаларда давлат иштирокидаги тижорат ташкилотларини тузишга чеклов чораларини белгилаш ва амалдаги корхоналарни қайта ташкил этиш, шунингдек, соғлом рақобат мухитининг ривожланишини чеклаётган алоҳида хўжалик юритувчи субъектларга эксклюзив ҳуқуқлар, индивидуал имтиёзлар ҳамда преференциялар бериш амалиётидан воз кечиши кўрсатилган.**

Ушбуларни инобатга олиб, Фармон лойиҳасининг **4-иловасини** Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни талабларига зид эканлигини инобатга олиб, Фармон лойиҳасидан ушбу **4-иловани чиқариб ташлаш лозим**.

IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу Фармон лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар Концепцияси, 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сонли Фармони талабларига зид эканлигини инобатга олиб, Фармон лойиҳасини ушбу таҳрирда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ эмас ҳисобланади.